

ЮНИСЕФ - халқаро болалар жамғармасининг Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустақамлашга қаратилган навбатдаги инсонпарварлик кўмаги Нукусга етиб келди. Қирқка яқин номдаги турли хил дори-дармон, тиббиёт ускуналари барча туманларга тарқатилмоқда.

Камқонлик хасталигига чалинган беморлар, беш ёшга бўлган болалар, хомилалар аёлларга мўлжалланган ушбу дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар Конликўл туманидаги саккизта қишлоқ врачлик пункти, ўн учта фельдшер-акушерлик пунктига ҳам етказиб берилди.

(ЎЗА)

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 июн, чоршанба № 90 (1515)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан

Бош директор Хайитбой Абдулҳакимов эрталабки иш кунини цехлардан бошлашга одатланган. Шу боис бугун ҳам иш жойларни айлана-бўйича тиббиёт хонасини кўздан ўтказаркан, кўнгли равшан тортиди. Биринчи тез ёрдам кўрсатиш хонаси саранжом-сарништа. Кроватлар юмшоқ, кордек оппоқ кўрпа-ёстиқлар тўшалган. Гулдонлардаги анвойи гуллар хонага фойз киритиб турибди. Жўмрақларни бураб, улардан тушаётган иссиқ-савуқ сувларнинг жилдирашига бироз кулоқ тутиб турди. Сўнгра, навбатчи ҳамширадан дори-дармонлар захирасини, ишчиларнинг тиббий кўригини суриштирди.

Штатлари мамлакатларида учратиш мумкин. Жорий йилнинг тўрт ойида хорижий шерикларга 924 минг долларлик калава ип сотилиб, корхона хазинасига белгиланганидан 16 минг доллар кўп валюта кирим қилинди. Ёки кўзда тутилганидан 7 миллион сўм кўп фойда олинди.

Ишлаб топилган фойда ижтимоий химояга сарфланаётганлиги тахсинга лойиқ. Уртача иш ҳақи йилдан-йилга кўпайиб борапти. Утган йилнинг тўрт ойида ҳар бир ишчининг ойлик маоши 39042 сўмини ташкил қилса, 2003 йилнинг тўрт ойида бу кўрсаткич 48647 сўмга кўтарилди. Мана бир неча йилдирки, жамоада раҳмшарифат фонди фаолият кўрсатиб келяпти. 2002 йилда корхона ҳисобидан ишчиларга 2,1 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. 40 нафар ишчи Андижон шаҳридаги клиник шифохонада бепул даволанди. Зарарли шариотда ишлаётганларга сут ва сут махсулотлари берилмоқда. Ошхонада тайёрланаётган тушлик ҳам корхона ҳисобидан бўляпти. Мехр-оқибат ёғилиб турган жойда жамоанинг молиявий ҳолати ҳам кўнглидагидек бўлади. 2003 йилнинг тўрт ойида кўшимча 80 миллион 723 минг сўмлик товар махсулот ишлаб чиқарилиб, топшириқ 105,4 фоизга уудаланди. Бугунги кунда тўқуз цехида Мухаббатхон Раҳмонова, пликловчилардан Матлубахон Осулова, калаваловчилардан Олтино Уразалиева каби ишчилар жамоанинг ифтихорига айланган. Улар кунлик ва ойлик топшириқларини ортиги билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётилар.

Р. СОБИРОВ

АНДИЖОН ЁРЛИГИ БИЛАН

Кейин, ечинош-кийиниш хонасига ўтди. Жовонларни дастурмолини чиқариб артиб кўра бошлади. Рўмолчасини гардан кирланганини кўрдию, ҳамроҳлик қилаётган касабакўми раиси Хасанбой Исмоиловага қараб томоқ қириб қўйди. Йигирув цехи бошлиғи ҳам директордан танбех эшитди. Ишчилардан бири эҳтиётсизлик қилиб, юриб турган дастгоҳни созлашга тутинганди. Ҳаёт учун хавфли бўлган бу ҳолат директорни назаридан четда қолмади. Шохистахон Аҳмедованинг иш ҳақида йўқлиги, айниқса Хайитбой Абдулҳакимовни ташвишга солди. Цех бошлиғи Убайдулло Турғунорди Шохистахоннинг узрли сабаб билан ишга чиқмаганлиги ойдинлашди. Кечаги табиий офат — тўхтовсиз ёққан жала туфайли хонадонга тегишли бошпана девори дарз кетган, шу боис Шохистахон ишхонага келолмаганди.

Шу кунлик директор хузурда бошқарув ҳайъатининг кичик маслаҳат йиғилиши чақирилди. Йиғинда жамоа шартномасига киритилган алоҳида бандлар ижроси, ишчиларнинг хавф-хатарсиз меҳнат ва маиший шароити тахлилдан ўтказилди. Бу ҳақда касабакўми раиси Хасанбой Исмоилов, техник хавфсизлиги муҳан-

дис Икромжон Воҳидовнинг изоҳлари эшитилди. Ижтимоий химояга муҳтож оилалардан бири Шохистахон Аҳмедова хонадонини хашар йўли билан тиклаш ҳақида филрлашилди. Қурилиш билан боғлиқ сарф-харажатлар корхона ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Директор билан касабакўмининг меҳнат муҳофазаси ҳақида жонқуралигини боиси бор. Сабаб, жамоа шартномасида ишчиларни соғломлаштириш, хавф-хатарсиз меҳнатини таъминлаш, маиший шароити ҳақида гам-хўрлик қилиш, ойлик маошларининг вақтида тўла-нашига эришиш кафолатланган. Чинобод ип-йигирув ва тўқуз фабрикаси негизинда 1997 йили «Алишер Навоий Интернешнл» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ташкил топгандан кейин жамоа иқтисодиётида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бунда Марказий Осиёда тadbиркорлик қўллаб-қувватлаш Америка фондининг мададат катта бўлди. Фонд то-

рув машиналари билан алмаштирилди. Бозор иқтисодиётининг қонуни — талаб ва таклифдан келиб чиқиб иш юритилди. Янги ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилди. Натияжада ижтимоий муаммолар ечимини топа бошлади. Илгари корхонада 600-700 нафар ишчи ишлаган бўлса, қўшма корхонага асос солинган, уларнинг сони 1170 нафардан ошиб кетди. Мухими, замонавий технология билан тиллашадиган қўли гул ишчилар авлоди шаклланди. Ишлаб чиқариш қувватлари 4 бараварга ошди.

Илгари кунига 1 тонна атрофида ип йигирилиб, 3000 поғона метр хом газлама тайёрланарди. Бугунги кунга келиб кунига 12-13 тонна калава ип, 12-15 минг поғона метр хом суруп ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашёдан тайёрланган махсулотлар дунё бозорига кириб бормоқда. Эндиликда Андижон тамғаси босилган махсулотларни Италия, Германия, Япония, Швейцария, Америка Қўшма

АҚШНИНГ ЯНГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдевориغا биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

қилиш учун биргина котибият биноси 11 минг квадрат метр жойни эгаллашни айтиш кифоя.

Дизайни АҚШнинг Hellmuth Obata + Kassabaum меъморлик компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги мажмуада шарқона услублар ҳам кенг ақсини топади. Бу эса ўз навбатида мажмуани ён-атрофдаги бинолар билан уйғунлаштирибгина қолмай, пойтахтнинг широйига широй қўшади. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун АҚШнинг J.A.Jones Construction компанияси таклиф этилган. Мажмуа қурилишида, шунингдек, Туркиянинг «Айсел» компанияси иштирок этади.

Янги мажмуага 56 миллион АҚШ доллари сарфланади. Шуни алоҳида айтиш керакки, қурилиш ишларида хориждан келтирилган материал билан бир қаторда, маҳаллий ашёлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Мажмуа пойдевориغا биринчи гиштини қўйиш маросимида сўзга

чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Жон Хёрбст, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, элчихона янги биносининг барпо этилиши ҳам бунга яққол мисол бўлишини таъкидлади. Элчининг айтишича, янги мажмуа мамлакатларимизнинг кундан-кун кенгайиб бораётган алоқаларини янада ривожлантириш, стратегик ҳамкорлик ришталарини мустақамлаш, АҚШ дипломатик миссиясининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Ж.Хёрбстининг сўзларига қараганда, янги мажмуа фойдаланишга топширилган, АҚШ элчихонасининг мамлакатимиздаги ходимлари сони қарийб икки баробар кўпаяди. Бу эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик, ҳақиқатан ҳам, жадал ривожланаётганнинг яққол белгисидир. Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этади.

(ЎЗА)

Гулистонда болалар ва ўсмирлар учун янги спорт мажмуи очилди.

ГУЛИСТОНДА СПОРТ МАЖМУИ

Илгари унинг ўрнида Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг теннис корти жойлашган эди. Ички ишлар бошқармаси, ҳомий корхоналар кўмагида амаага оширилган реконструкциядан сўнг кортнинг ёнида футбол, волейбол, баскетбол майдончалари пайдо бўлди.

Спорт марказининг тантанали очилишида Сирдарё вилояти ҳокими Р.Хайдаров иштирок этади.

МУҲАММАДҚОДИР ЁШЛАРГА ОМАД ТИЛАДИ

БОКС. «Андижон» теннис клубида ўтказилган бокс баҳслари ниҳоясига етди. Унда 140 нафар хаваскор ёш боксчи 8 вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб борди. Мусобақа якунидан шундай хулоса қилиш мумкин: андижонлик ёш боксчилар таникли «чарм қўлқоп» устаси Муҳаммадқодир Абдуллаевни улайтириб қўйишмади.

Дарвоқе, мусобақанинг сўнги кун ишқибозлар Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси, жаҳон ва олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни зўр олқишлар билан кутиб олди. Отаси Муҳаммадқодир ака ҳамроҳлигида залга кириб келган моҳир «чарм қўлқоп» устаси мухлислар, ёш спортчилар билан суҳбатда бўлди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг Андижонда ўтаётганидан жуда хурсандман. Аминманки, бу мусобақада маҳоратларини тоблаган умидли боксчи укаларимиз биздан ҳам юқори натижаларга эришадилар, — деди Муҳаммадқодир ёшларга омад тилар экан.

Дарвоқе, Андижон бокс мактабининг ёш тарбияланувчилари ўзларининг нимага қодир эканликларини намойиш этишди. Улар 5 вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратдилар. Айниқса, 69 килограмм вазнда рингга чиққан Журабек Мелибовнинг моҳирона хатти-ҳаракатлари кўпчиликти эътирофи ва эътиборига сазовор бўлди. 48 килограмм вазн тоифасида фарғоналик Э.Жўраев ва мезбонлар вакили Р.Тош-

сига олтин медалларни тўқфа этишди. Қолган вазнларда эса жаззахлик Ж.Каримов, наманганлик Р.Раззоқов, бухоролик А.Атаев олтин медалларни қўлга киритди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ. Андижон вилоятининг энг бахаво масканларидан бири саналган Хонобод шаҳридаги кураш манежиде белбоғли кураш мусобақалари бўлиб

ҳамда Олтинқўл тумани ўйингоҳларида давом этмоқда. Шаҳрихондаги ўйингоҳда бўлиб ўтган Жиззах ва Самарқанд вилоятлари футболчилари учрашувида 0:1 ҳисоби қайд этилди. Ярим финалнинг яна бир ўйини Тошкент ҳамда Бухоро вилоятлари жамоалари ўртасида кечди. Ҳаёт қизиқарли ўтган



Ўтди. Қарийб уч кун давом этган баҳсларда полвонлар 7 вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Бу спорт тури бўйича ҳам андижонлик полвонларнинг қўли баланд келди. Жумладан, Оятулло Ҳакимов,

Мирзоқид Зийёев ва Дониёр Ҳакимов олтин медаллар билан тақдирланди. 50 килограммиллар орасида Шухрат Мирзаев (Наманган вилояти), 55 килограмм вазн тоифасида Холдор Дадаматов (Тошкент вилояти), 60 килограмм-

ли полвонлар ўртасида Дониёр Имомов (Наманган вилояти) ҳамда 77 килограмм вазнда Азизбек Миркомиллов (Самарқанд вилояти) шохсулага кўтарилиди. Умумжамоа ҳисобида эса Андижон вилояти вакиллари биринчи, наманганликлар иккинчи, Фарғона вилояти жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

ФУТБОЛ. Энг оммавий спорт тури бўлган футбол баҳслари Шаҳрихон шаҳри

учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Пенальтилар баҳсида эса омад пойтахт вилояти футболчиларига қўли боқди. Бугун Андижон шаҳридаги «Наврўз» ўйингоҳида мусобақа голиби аниқланди.

СТОЛ ТЕННИСИ. Стол тенниси баҳслари ҳам ниҳоясига етди. Шаҳсий биринчиликда андижонлик Азиз Хошимовга тенг келадиган рақиб топилмади. Ё.Абдурахмонов (Андижон вилояти) ва С.Сулаймонов кейинги ўринларни баҳам кўрдилар. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса Л.Қим Мирзаева (Тошкент шаҳри), Ф.Абдулбориева (Фарғона вилояти) ҳамда Н.Ўй (Тошкент шаҳри) совринли ўринларни эгаллашди.

КЎЛ ТҮПИ. Мазкур спорт тури бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларнинг ярим финал учрашувлари ниҳоятда қизиқарли кечмоқда. Айниқса, голибликка асосий даъвогар саналган Наманган ва Тошкент вилоятлари қизлари ўртасидаги ўйин кўпчилик эътиборини ўзига қаратди. Зеро, ҳар иккала жамоа вакиллари сўнги дақиқаларга қадар қизгин кураш олиб бордилар. Ўйин тугашига санокли сониялар қолган бир пайтда Тошкент вилояти жамоасининг ҳужуми гол билан аяқланди. Ваҳоланки, бунга қадар таблода 15:15 ҳисоби порлаб турарди. Иккинчи ҳужумида эса андижонликлар фарғоналик тенгдошларини катта устунлик билан, 24:14 ҳисобида мағлуб этишди.

Абдулхай ЮНУСОВ, Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбирлари

Наманган вилояти санаят корхоналарида маҳаллий хомашё ҳисобида янги махсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

«ЎЗДЭУ» УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борада бир мунча натижаларга эришилди. Чунончи «Барин» акциядорлик жамиятида «ЎЗДЭУ» авто корхонаси учун металл ва пластмассадан тайёрланган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. «Ўзбекистон ўрамли тош ёпқич ашёлари комбинати» корхонасида полимер битумли тош ёпқичлари тайёрланмоқда. «Электротерм»да турли радиусдаги трансформаторлар «Намангантекстиль»да қўйлақ-боп газлама, «Нестле» қўшма корхонасида ёғсизлантирилган куруқ сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жорий йилда «Атлас» акциядорлик жамиятида табиий бўёқлар, «Сувмаш» корхонасида бутловчи қисмлар, гидроагрегатлар учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш тўла ўзлаштирилди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Тadbиркорлик — давр талаби

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЭВАЗИГА

«Зарафшон» меҳмонхонасининг 2-қаватида жойлашган «Бизнес-фонд» бошқармаси Бухоро вилоятида тadbиркорлик ҳаракатининг ривож топишида салмоқли улуш қўшиб келаётган жамоалардан бири саналади. Шу боис қўллаб-қувватлаш хизматида ажратилаётган имтиёзли кредитлар жуда қўл келаётди.

Ана шу мақсадлар учун ажратилаётган сармоялар микдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб унинг салмоғи 150 миллион сўмдан ошиб кетди. Фақатгина бошланғич сармоя ажратиларининг ўзи 50 миллион сўмга етди.

Бугун «Бизнес-фонд» маблағларидан омилкорлик билан фойдаланиб, ишлаб чиқариш қўламини сон ва сифат жиҳатдан ошириб бораётган, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишда муайян туҳларга эришиб келаётган тadbиркорлар оз эмас. Жондор туманидаги «Содиқ Ражаб» кичик корхонаси, Бухоро шаҳридаги «Олмос», Ромитандаги «Тилло-2», Бухоро туманидаги «Аҳмадобод» хусусий фирмалари ана шулар жумласидандир.

Ўтган қисқа фурсат ичида бошқарма кўмагида вилоятимизда 19 та тегирмон, 3 та мебел цехи, ўнлаб чорвачиликка ихтисослашти-

рилган хусусий фирмалар ўз фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлди, дейди бошқарма бошлиғи Илхом Норов. — Хизмат ва савдо шохобчалари ишини тубдан жонлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётди. Ана шу мақсадлар учун 60,2 миллион сўмлик сармоя сарфланди. 3 та тadbиркорлик субъектига лизинг асосида 2163,2 минг сўмлик «Singer» русумли замонавий тукув машиналари ажратилди. «Шавкат обод» фермер хўжалиги ҳам 9300 минг сўмлик кредит ажратмалари эвазига лизинг асосида трактор олишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ахборот консалтинг маркази ходимлари жойларда бўлиб, тadbиркорлик субъектлари ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришга ҳам эътиборни қаратмоқда. Айниқса, кредит ресурсларини белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлашга эришиш чоралари кўриляётганлиги диққатга сазовордир. Ана шу сайёҳаракатлар туфайли қидирилган 300 миллион сўмлик кредит ресурслари тўғридан-тўғри яна ўнлаб тadbиркорга қайта берилди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири

ҳида корхона сифатида фаолият юритмоқда. Бу ерда металл қирқувчи асбоблар, электрод ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қолган цехлар корхона дастгоҳларини таъмирлаш ишларини бажаради. «Асбобсоз» эса корхонанинг асосий бошқарув цехи сифатида ишни давом эттиряпти.

Мазкур корхона шу вақтга қадар ўз махсулотларини республикамиз қурилиш корхоналари ва ташкилотларига етказиб беради. Эндиликда унинг экспорт салоҳияти ҳам юксалди. Махсулотлар нафақат МДХ мамлакатлари, балки Покистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон бозорларига ҳам чиқарила бошланди.

ЭКСПОРТ Салоҳияти ЮКСАДИ

Санаятда ривож қўп жиҳатдан сифатли ва рақобатбардор махсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ. Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмасининг «Асбобсоз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилдан эътиборан жамият иш тузилмасига бирмунча ўзгартиришлар киритила бошланди. Шу вақтга қадар ҳиссадорлик жамияти таркибида бешта цех ва «Истеъдод» шўъба корхонаси иш юритиб келарди. Эндиликда ушбу цехлар ало-

Бир Фармон шарофати

ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор улуши ва аҳолининг тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг Жиззах вилоятда тadbиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан ҳозир вилоятда 100 турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш, унда нодавлат секторнинг ҳиссасини тобора ошириб бориш, кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш бўйича кенг қўламли иш олиб борилаётди. Бугунги кунда бу ерда 677 та йирик, 236 та ўрта, 1079 та кичик корхоналар, 13733 та микрофирмалар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили 67,4 миллиард сўм миқдордаги саноат молларининг қарийб 27 миллиард сўмини озиқ-овқат, 23,2 миллиард сўмини энгил саноат маҳсулотлари ташкил этди.

Йирик саноат нукталарини қуриш борасида ҳам катта ишлар қилинаётди. Бугунги кунда Жиззах

тўхталиб ўтсак. Республикада фаолият кўрсатаятган «Демир» фирмаси билан Вьетнамнинг «ASIA SILK корпорейшн» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур корхонанинг умумий жамғарма фонди 210 минг АҚШ долларига тенг. Вилоятда етиштирилган пилла хосили бу ерда қайта ишланиб, экспорт қилинмоқда. Корхона йилига 100 тонна ипак толаси ишлаб чиқариш имконига эга. Тайёрланган тала оз фойда хорижга экспорт қилинаёпти. Бир кеча-кундузда 1 тоннадан ортиқ пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонада 300 нафардан зиёд киши меҳнат қилади.

Биргина 2002 йилда вилоятда 21082 та янги ишчи ўринлари яратилди. Тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 1293,3 миллион сўм кредит ажратилди. **Н.БҲРИЕВ**



Томди туманидаги «Керегетая» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Симбат» кичик корхонасининг донги нафақат тўли, балки вилоятга ҳам кенг тарқалган. Кичик корхона асосан чўпону-чўликларга турли кийим-бошлар жумладан тўн, кўлка, кўрпа-ёстик ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. **С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

Бу корхонада инсон кадри биринчи ўринда туради. Пенсияга кузатилган ишчи энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорда бир маротабалик нафақа берилади. Ёш келин-кўёвларга ёрдам тариқасида белгиланган 30 минг сўмлик моддий ёрдам пулини ҳам 2003 йилдан бошлаб янада ошириш йўллари изланмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон туманидаги «Шўрсув» тоғимёв комбинати ҳиссасдорлик жамиятида ҳамма нараса инсон учун, инсон бахт-саодати учун, деган ақидага амал қилинаётгани боис ҳам ишлар бир маромда кечаяпти. Меҳнат жомаси қўлга киритаётган ютуқлар йилдан-йилга мустақамланиб бораёпти. Майдаланган ва қадокланган олтингувурт, қурилиш охаги, гипс ишлаб чиқариш режалари ҳам ишлаб чиқариш билан бажарилаяпти. Жорий йилнинг 1-чорагида 3600 тонна майдаланган ва 81 тонна қадокланган олтингувурт, 95 тонна қурилиш охаги, 2054 тонна гипс тоши, 205 тонна гипс иш-

Ижтимоий ҳимоя Шунингдек, 61 нафар фахрийларнинг газ ва электр тўловлари учун 246000 сўмлик маблағ корхона то-

ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ТЎЛОВЛАРИ КОРХОНА ЗИММАСИДА

лаб чиқарилди. 2003 йил давомида эса тиббиётга ишлатилган гипс, 2 камфорали чўян печлари, 2 турдаги газ плиталари учун 1000 донга чўян решеталар ва бог аравачаси, замбилгалтақлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Албатта, юксак кўрсаткичлар ортда инсон меҳнати ётади. Уларни рағбатлантириш корхона маъмурияти ва касоба уюшмасининг биргаликдаги бош вазифасига айланган. Дарвоқе, корхона-

ОЛОТ ДЕҲҚОНЛАРИ манфаатини кўзлаб

Мамлакатда ислохотларни янада чуқурлаштиришга қaratилган тadbирлар изчил ҳаётга татбиқ этилаётди. Бу жуда муҳим тармоқлардан бири саналган қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам яққол сезилаётди. Хусусан, Президентнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг тармоқ ривожига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Соҳада иш самарадорлигини юксалтириш, меҳнатқашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашга эришишга астойдил ҳаракат қилинаётди.

Бош пудратчи билан бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам бу ерда самарали меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда объектда 200 нафарга яқин бунёдкорлар икки сменада иш олиб бораётди. Қурилиш штабидан олинган маълумотларга кўра 35 минг тонна пахта ни қайта ишлашга мўлжалланган корхона мустақиллик байрамигача фойдаланишга топширилади. Ана шу мақсадда бу ерга қўшимча кучлар жалб этилди. Ишга сафарбар этилаётган қурувчилар орасида кўплаб олотликларни ҳам қўриш мумкин.

Шу маънода Олот пахта заводининг қурилиши ҳам чекка туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг вуқончли воқeалардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган маъмур зарбдор қурилиш ни вилоятдаги энг илгор меҳнат жомаларидан бири саналган 47-механизацияланган кўма жамланманнинг кўли гул қурувчилари амалга ошираётди. Ҳозирга қадар бу ерда салкам 400 миллион сўмлик иш бажарилди.

Барча техник муҳандис-ҳодимлар ҳамда қурувчиларга кўнага уч маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Ислом Одилов, Суннат Ҳамроев, Саъдулло Жўраев, Дилмурод Ҳамроев сингари бунёдкорлар шахсий ибрат кўрсатиб, барча ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Олотлик деҳқонлар манфаатларини кўзлаб бу ерда бунёд этиладиган янги корхона воҳа аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини беради. Юзлаб янги иш ўринлари яратилади. Мўҳими, етиштирилган пахта хомашёсини ўнлаб қақирим йўл босиб, қўшни туман ҳудудига олиб боришга ҳожат қолмайди.

Корхонага қарашли бош бино қурилиши ҳадемай ниҳоясига етказилади.

УСМОН НАВРҮЗ, «Ишонч» муҳбири

Ромитан туманидаги «Лабиринт» деҳқон-фермер хўжалиги 44 гектар ерда деҳқончилик қилади. Тажрибали деҳқон Махмуд Қўшаев раҳбарлик қилаётган хўжаликда пахта ва бугдой етиштирилиб, бу ерда кичик ферма ҳам ташкил этилган.

Аҳолиятисли шундаки, хўжаликда барча юмушлар техника ёрдамида бажарилади. Ўтган йили улар давлатга 147 тонна пахта ва 61 тонна бугдой топишиб, шартномавий режани шараф билан удалашди. **Суратларда: фермер хўжалиги аъзолари иш устида.**

аса ўғил-қизларимиз учун ўтган йилгидан ҳам кўпроқ йўлланмалар ажратишни мўлжаллаб турибмиз. 21 та цеҳда меҳнат қилаётган 536 нафар ишчи-ҳодимимиз учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Уларга икки нафар малакали ҳамшира тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, ҳодимларимизнинг буш вақтларини кўнглили ўтказиш мақсадида севимли хонандамиз Юлдуз Усмонова концертга олиб бордик. Бундан ташқари, улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Бу ишчиларда катта таассурот қолдирди.

Маъмурият билан маслаҳатлашган ҳолда кам таъминланган ишчиларимизни доимий равишда моддий-маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб келяпмиз. Масалан, Ойнахол Чориева, Қурбон Абдиев, Амина Омонова сингари кўмакка муҳтожларга моддий ёрдам берилди. Корхонамизда 95 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Халқор хотин-қизлар байрами арафасида уларнинг ҳар бирига бир неча минг сўмлик қийматдаги совға-саломлар улашилди. Шунингдек, корхонада узок йиллар меҳнат қилиб, бугун кексалик гаптини сураётган 37 нафар нуруний отахону аяқонларимизни ҳам тез-тез йўқлаб турибмиз. Обод маҳалла йили муносабати билан бугун жойларда кўллаб ибратли ишлар амалга ошириладиганининг гувоҳи бўлишимиз. Бу хайрли ишга биз ҳам ўзимизнинг муноси ҳиссамизни қўиш мақсадида «Обот» маҳалласини оталиққа олганмиз. Айни кунларда маҳалла аҳли, фаолларига кенг қўламадаги ободончилик ишларида имкон қадар ёрдам бермоқдамиз.

Файзулла ҚҲРБОНОВ, «Шўрчи пахта» очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти касоба уюшма кўмитаси раиси

«УСТО»НИ ХОРИЖДА ХАМ БИЛИШАДИ

Миллий амалий санъат халқимизнинг узок ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ. У асрлар мобайнида таракки этиб келган. 1975 йил республикамизда махсус давлат комиссияси тузилиб, ҳунармандчилик анъаналари ўрганилди, уларнинг боши қовуштирилди. Икки йил ўтиб Ўзбекистон бадий академияси қошида халқ миллий амалий санъати бирлашмаси тузилди. Эндилкида у «Усто» бирлашмаси деб аталмоқда.

Уша вақтда фаолият юритишга расман рўқсат берилган бўлса-да, мамлакатимизда миллий амалий санъатнинг кенг қўламада ривожланишига, намоён этилишига йўл қўйилмади. Энг яхши усталар бошқа жойлардаги ишларга жалб қилинди. Хурусан, Москва, Ялта, Кисловодск шаҳарларидаги улкан бинаоларга жило бериш усталаримиз зиммасига тушди. Бундай машаққатли меҳнат учун хатто тузуқроқ раҳмат ҳам айтилмаган, десак муболага бўлмайди. Фақат мустақиллик йилларидагина соҳага алоҳида эътибор берилаяпти. Хусусан, 1998 йилда амалий санъат намоёндалари учун «Ўзбекистон халқ устаси» унвони тасвис этилди. Ҳозир бирлашма таркибидан 310 нафар уста бор. Уларнинг 77 нафари Ўзбекистон бадий академия аъзоси, икки нафари академик. Халқ амалий санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун усталардан Н.Соҳибназаров, С.Мирзаев, А.Нарзуллоевлар «Ўзбекистон халқ устаси» унвонига сазовор бўлишди. Усталаримиз нафақат республикамиздаги бинаоларга жило беришяпти, балки Япония, Германия, Америка каби давлатларда ўзбек миллий амалий санъатини намуналарини намоёйиш этишмоқда. Хусусан, бирлашмаимиз бир неча йиллардан бери Англия, Франция, Германиядаги халқ амалий санъати кўргазмаларида катнашиб келяпти. Ўтган йили Канадада бўлиб ўтган VII Бутунжапон санъат фестивалида усталаримиз беш йўналиш бўйича дипломларга сазовор бўлишди.

Жўракул ИНОЯТОВ, Самарқанд миллий халқ амалий санъати «Усте» бирлашмаси директори



Даромат чўғи баланд

Қарши туманидаги «Истиқбол» хўжалиги галлазорларига «Кейс» тушди. Хўжалик бўйича 880 гектар майдонда «Чиллаки» навли бугдой парваришланди, - дейди хўжалик раиси Камол Равашанов. - Ҳосил мўл. Асосий эътиборни донни нест-нобуд қилмасдан урта-янчиб олишга қаратяпмиз. Ҳозир далаваримизда урта «Кейс» галла ўряпти. Қабул пунктларига 5 минг тонна дон етказиб берамиз. - Ўтган йили 800 гектар майдондаги донни ўриб, яхшигина даромат қилган эдим, - дейди туман машинатрактор парки комбайнчиси Бобур Қурбонов. - Бу йил мавсум давомида 1 минг 200 гектар майдондаги донни ўриб бермоқчиман. «Кейс» операторларидан Зокир Эшмуродов, Ҳаким Қўлдошев, Чори Эшмуродов, Аликул Турбунов ҳам бу йилги ўрим-йиғимда фаол иштирок этиб, галлазорларга камарбаста бўлишга аҳд қилган. Шунингдек, Касби туманидаги Навоий номили хўжаликнинг Баҳодир Ҳамдамов, Миришкор туманидаги Фафур Фулом номидаги хўжаликнинг Чори Давронов бошлиқ оилавий пудратчилари галлазорларида ҳам ўрим-йиғим бошлаб юборилди. **(ЎзА)**

АЁЛЛАР МУАММОСИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИБ

Обод маҳалла йили муносабати билан Фарғона тумани Чимёв кишлоғида фаолият юритаётган ижтимоий мослашиш маркази маҳалла фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётди. -Кундалик юмушлар, рўзгор ташвишларидан тинмайидиган қишлоқ аёлларининг турмуш даражасини яхшилаш, уларга шаҳардагидай ўқш ва яшаш шaroитини яратиш қабилар ҳукуматимизнинг обод маҳалла дастурига киритилган, - деди Ижтимоий мослашиш маркази директори Баҳорат Солиева «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Маъмур вази-фаларни амалга ошириш, ва қишлоқ аёлларининг муаммоларини енгиллаштириш мақсадида маъмур марказини ташкил этдик. Марказнинг асосий фаолияти аёллар ва ёшларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини оширишга, улардаги ташкилотчилик, етакчилик, ташаббускорлик қобилиятларини кўллаб-қувватлашга қаратилган.

«Мен бир неча йилдан буйн «Новосел» ширкатинда ишлар эдим, - деб ёздади Хатирчи тумани А.Пўлатов номили хўжалик ҳудудидаги Қўнакжетап кишлоғида яшовчи Ҳолмамет Бозоров. - 1999 йил 11 июл кuni бўлган умумий йиғилишида корхона ҳисобидан бўлган қаровисиз ёрлардан вақтинчалик фойдаланиш мақсадида менга ер ажратилиши. Сигир бузоғимни 170 минг сўмга сотиб, ерни ўзлаштиришга сарфладим. 2001 йил апрел ойида корхонамиз банкрот, деб эълон қилинди. Сўнг корхона Низомига асосан мавжуд мол-мулкка қўшган улушига қараб аъзолар ўрта-сида бўлини ва қонуний ҳужжат сифатида умумий йиғилиш қарори билан мустақамланди. Бугунги кунга қелиб «Сардор-98» фирмаси бошлиғи Қосим Раҳимов туман ҳокимининг қарорини чиқартириб, менинг ерга эгаллик ҳуқуқимни поймол этмоқда».

«Туман ҳокимининг доривор экин экиш учун «Сардор-98» фирмасига 3,25 гектар ер ажратиш тўғрисидаги қарориде кўзда тутилган ерда аслида иттилат завод, иккита цемент сақлаш омборхонаси, 5х200 ҳажмдаги асфальтланган йўл, 6х6 ҳажмдаги қоровулчи қоронди, 6х10 ҳажмдаги охиона, 4 хонали идо-ра, сув насоси бинаолари, 400 квадрат метр бетонланган майдон, 25х20 ҳажмдаги ховуз ва 200 тулдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар мавжуд эди, - дея туманлараро фуқаролик судига муражаат қилади шир-

ЕРГА БУНЧАЛАР КИМНИНГ ҲИСОБИДАН

йиғилишда қўриб чиқиб, ҳокимликка маълум қилиш топшириғи берилди. У теда умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилди. «Сардор-98» фирмасига бериш ҳақидаги қарор билан туман ҳокимлигига қайтарилди. Ер хўжалик ҳисобида қайд этилмади, ҳисоб-китоб қилинмади. Дарвоқе, 14-механизацияланган кўма колонна томонидан берилган маълумотнома қараганда, ушбу бетон заводи ва унинг уастхаси бир лайтлар Каттақўрғон сув хўжалиғи трести ҳисобидан бўлган. Трест бошлиғининг 20.04.89 йилги рўқсатномасига асосан «Новосел» ширкати қолдик қиймати баҳосида 50384 сўмга сотилган Навоий вилоят хўжалик судининг 2001 йил 19 апрелдаги 3/33-б-сонли қарориде қайд этилишича, «Новосел» ширкати Хатирчи тумани ҳокимининг 1988 йил 29 ноябрдаги 385/11-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Корхона 1998 йилдан ДСИга ҳисобот топшириш ва солиқларини тўлашни тўхтатган. Корхонанинг 2001 йил 21 февралдаги ҳолатига кўра бюджетдан ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда

қарвалари, жами 22327 сўмини ташкил этган. Пул маблағи ҳамда мол-мулки йўқлиғи сабабли, ушбу корхона соддалашган шаклда банкрот, деб топилган. Бироқ суд қарори ва бошқа ҳужжатларда «Новосел» ширкатиға тегишли мол-мулклар йўқлиғи алоҳида кўрсатилган бўлса-да, «Сардор-98» фирмаси бошлиғи Раҳимов ва «Новосел» ширкати собиқ раиси Абдураимов ўртасида 9.11.2002 йилда ёзилган олд-берди тилхати бу ерда ҳақиқатда даъвогар Аҳмедов кўрсатганидек, мулклар бўлганини тасдиқлайди. Тумонлар имзолаган тилхатда идора биноси, қоровулхона, труба, бочка, хуллас 11 турдаги мол-мулк «Сардор-98» фирмасига сотилгани баён қилинган. Қизиқ, у ҳолда бу мулклар нима учун суддан яширилган. Туман солиқ инспекциясида ҳам на мулкдан, на унинг сотилишидан солиқ тўлангани ҳақида бирон маълумот йўқ. Қосим Раҳимовнинг айтишича бу ер кейинги йилларда ташландик ҳолга келиб, бузғунчилик маконига айланган. Ер одамлар томонидан ўзбошимчилик билан бўлиб олинган. Уларни бу ердан чиқариш учун, зарурат юзасидан шундай қалбаки тилхат тузилган эмиш. Буни қандай тушуниш кераклигини, нима мақсадда қилинганини билмадигу лекин у 3,25 гектар ерга эгаллик қилишни ҳуқуқини қўлга киритгани ҳақиқат.

Энди гапни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан эшитинг. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Бакиевнинг фуқаролик судига берган маълумотиға қараганда, Хатирчи туманидаги Шовот бетон заводи жойлашган 2,20 гектар ер қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармасига тегишли. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июлдаги 251-ф-рақамли фармойишида ҳам вилоят ва туман ҳокимликларида аввал берилган ва олиб қўйилган бинаоларни, иншоотларни ва бошқа объектларни, ерларни, коллектор, гидробузел, насос станциялари ва сув омборларни атрофидаги майда ерларни сув хўжалиғи ташкилотла-

Демократик ҳуқуқий давлат сари

ҚОНУНИ ҲУРМАТЛАБ, УНГА СУЯНИБ ЯШАЙЛИК

Бир вақтлар суд, милиция ёки прокуратура органлари ходимларига жазоловчи сифатида қараб келинган. Муқталик шарофати ила жамиятимизда инсон мақолатлари, эркинликлари ва унинг дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Шу тариха ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди.

Мухбиримиз Дўстлик тумани Ички ишлар бўлими бошлигининг Шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муовини, милиция майори Рустам Абдулқосимов билан суҳбатлашиб, оқимлаштирилган ҳолатдаги таъбирлар томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактик ишлар, жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги таъбирлар самараси ҳусусида мулоқот юритди.

Туманимизда 50 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ ҳудудидида омма билан ҳамжиҳат иш олиб бориб, аввало осуда ҳаётни таъминлашга алоҳида эътибор бераёلمиз.

Сай-ҳаракатлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Бироқ, таҳлил шунга кўрсатдики, ҳали ёшлар ўртасида янада таъбирчан, тарбиявий-ташкилий ишларнинг сингалган усулларидан оқилона фойдаланган ҳолда изчил фаолият юритишимиз керак. 2003 йилнинг беш ойи давомида 59 та жиноят содир этилди. Бу бурноғи йилга нисбатан кам бўлса-да, хотиржамликка асло ўрин йўқ. Шу боис фаолиятда баъзи бир камчиликлар, муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этмайман.

Жиноятнинг олдини олиш, унга қарши муро-сасиз курашни осонмас. Бу борада жонбозлик ҳўрсатаётган милиция ходимлари ҳусусида тўхталсангиз.

Шу йилнинг февралда «Манас» агросервис жамияти таркибидан ёқилган билан таъминлаш бўлими ҳисобчисини Исрол Қўчқоровнинг автомашинасини кимлардир ҳовлисидан кўчага олиб чиқиб, ёқиб юборгани ҳақида маълумот олинди. Уша заҳоти тергов гуруҳи тузилиб, ишга киришилди. Уй эгаси, кўни-кўшчилар билан савол-жавоб ўтказилди. Маълум бўлишича, жабрланувчи ҳаммаси А.Абдураимов хонадонидида тўйда бўлган. Таъбирлики ходимларимиз оилавий тантананинг видеотасмасини синчиллаб кўздан кечирдилар. Тас-

таъкидлаш жоиз. Калаванинг учини топиш, тезкор ҳаракат қилиш, ўрни келганда мардлик, жасурилик кўрсатишда улар ҳаммасларига намуна бўлишарпти.

Аҳоли ўртасида амалга оширилаётган таъбирлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз.

Бу борада биз омма билан илоҳи борича алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қилаёلمиз. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллари асосий таянчимиз. Улар ўз ҳудудларидаги ҳар бир оила аъзоси, уларнинг туриш-турушини, нима билан шуғулланишини яхши билишади. Ҳозирда профилактика инспекторлари рўйхатида 334 нафар шахс назоратда туради. Улар



бўлгач, улар қайта-қайта тав-ба-таъарру қилишарди. Бирок, эгри ишга қўл урган қонун олдида жавоб бериши тайин.

Яна бир воқеа ҳусусида тўхталсангиз. Дўстлик шаҳар Ҳамза кўчасида истиқомат қилувчи Одилжон Рўзиматовга тегишли «Тико» автомашинаси ўғирлаб кетилди. Жиноят содир этилган жой ўрганилганда, гараж қулфи бузилмаганига эътибор қаратилди. Демак, уй эгаси эҳтиётсизлик қилиб, уни номигагина осиб қўйган. Машинани бундан хабардор бўлган кимсаларгина умарида мумкин эди. Яна тунқун кузатувлар, суриштирувлар олиб борилди. Таъбирлики бўлмиш ходимларимиз ҳеч қаерда ишламай, кўча чангитиб юрган С.Бозоров, муқаддам судланган Б.Худойқулов ҳамда Ш.Содиқовлар ўғирлик содир этганликларини аниқ далиллар асосида исботладилар. Шунинг билан милиция катта лейтенанти Жўрабой Эргашев, милиция катта лейтенанти Баҳриддин Муродовнинг хизматларини алоҳида

орасида судланган кимсалар бор. Бундан ташқари ахлоқ тузатиш ишларига ҳўкм қилинганлар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар, спиритли ичимликларга ружу қўйганлар ҳам мавжуд. Улар билан вақти-вақти билан суҳбатлар уюштирилмоқда. Кимларнидир ўз истаги бўйича ишга жойлаштиришимиз. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга туман ҳокимияти қошидаги кўникма марказига, меҳнат биражсига йўланмалар берилди. Шу тариха қанчадан-қанча фуқароларнинг ҳаётда ўз ўринларини, ўз бахтларини топиб олишларига яқиндан кўмаклашилди.

Бир нарса бизни қувонтиради, эндиликда одамлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига юксак ишонч, ҳўрмат билан қарашмоқда. Лозим бўлганда ёрдам сўраб мурожаат этишади. Бирок шунинг таъкидлашнинг истардимки, баъзи баобру кишилардан қонуний бурчи ёки мажбуриятини бажаришни талаб қилсангиз, мансабининг ёки ваколатларини рўқач қилади. «Нима танимаяпсанми», дея ҳафа ҳам бўлади. Муқталик Ўзбекистонимизда қонун барчага баробар. Қонунни ҳўрматлаб, унга сўяниб яшаган ҳеч қанча оқилмайди.

Суҳбатдош: Д.АЛЛАТОВА, «Ишонч» мухбири

Ёзги соғломлаштириш

Ёркишлоқнинг бу гўшаси ҳудди болаларнинг оромини яратилгандек. Қаршиғизда Эгартоғ пурвиркор чўкчиларини кўз-кўз қилиб турибди. Пойи-да эса мўъжазгина ўрмонча. Ундан қушлар чўгур-чўгурию, булбуллар хо-ниши эшитилиб туради. Ок бўра сойи кўзгудек яраклаб оқмоқда.

Жалолқудуқлик болақайлар тоғ ҳавосио сой сувидан, ўрмонча нафа-сию қушлар сайроғидан баҳра олиб табиат қўйнида яйраб-яшнаб ёзги дам олиш мавсумини бошладилар.

Эътиборлиси, оромгоҳда болалар фойдали машғулотларга жалб этилган. Ана, китоб қўлиқлаган болалар. Ўқиган асарлари ҳақида баҳслашиб, кутубхона томон шошилишмоқда. Бирдан шодон қийриқлар қўлоққа чалинди. Овозлар волейбол ўйинго-ҳидан эшитилмоқда эди. Билсак, спорт йўриқиси Вохиджон Арабов бошчилигида отрядларо спорт беллашуви кетаётган экан.

да шула кўрик-танловини ўтказишни ҳам мўлжаллаёلمиз.

Дам олувчиларни овқатлантириш яхши йўлга қўйилган. Болалар 4 ма-ҳал тамадди қиялтилар. Дастурхондан гўшт, тухум, сўт маҳсулотлари узил-майди. Умуман оромгоҳнинг фаолият юритиши учун жорий йилда 20 миллион сўм сарфланади.

Жалолқудуқ туманидаги Жўрабой Нурматов номли оромгоҳ қарийб 4 гек-тарга яқин майдонини эгаллаган. Айни кунларда бу ерда 240 нафар агро-наот мажмуи тармок ходимларнинг фарзандлари ҳордиқ чикармоқда.

Ёзги мавсумда оромгоҳда 90 нафар

БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Айтишларича, Мавжудахон Иминова кўп вақтини болалар даврасида ўтказаркан. Эгартоққа уюштирилган экскурсия болаларга гоят маъқул тушган. Маънавият-маърифат хона-сида сафар таассуротлари бўйича ўлкамининг наботот олами, ҳай-вот дунёси юзасидан мароқли савол-жавоблар соати ўтказилиши кутил-моқда.

Болаларнинг ёзги дам олиш таъ-ти вақтида овқатланиш, дам олиш, соғлиқларини тиклашга эмас. Яна-да муҳимроғи – янги дўстлар ортти-риш, билимини чуқурлаштириш, касб-корга йўналтириш, жисмоний тарбия ва спорт, фойдали меҳнат билан шу-гулланиш ҳамдир. Мақсад зурриёт-и мизни соғлом турмуш тарзига кўни-тиришидир. Оромгоҳда маданий-маъ-рифий ишларга кенг ўрин берили-ши шу туфайлидир. Бу ҳақда бош тарбиячи Зафаржон Тешаев шундай дейди:

Кўл тўпи, бокс, шохмот-шашка, миллий кураш каби 8 та спорт тўга-рағи ишлаб турибти. Уларда 100 на-фарга яқин спорт ишқибози шуғул-ланапти. Каштачилик, расомчилик, ашула-рақс тўгараклари фаолият юритмоқда. Ҳаваскор расомлар кўргазмасини ташки қилишга ки-ришдик. Унда «Ватан битта – Ватан ягонадир» мавзуси бўйича болалар-га топширик берилди. Яқин кунлар-

бола бепул дам олади. Ота-оналар йўлланма баҳосининг 10-15 фоизини тўлайдилар, холос. Қолгани, тармок ка-саба қўмитаси ва ширкат ҳўжалиқла-ри ҳиссасидан қолланади. Туман ҳокимлиги қарори билан оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ишлари 7 та шир-кат ҳўжалиги ва бошқа ҳоимий ташки-лотлар орасида тақсимланди. «Ёркиш-лоқ» тўрус корхонаси, сув насослари, канализация, сантехника иншоотлари-ни таъмирлаш, туман машина-тракто-ри парки жамоаси спорт майдонлари-ни ишга туширишти. «Ёркишлоқ» шир-кат ҳўжалиги маданий-маиший объек-тларни янгилашда ишчи кучи ҳамда қурилиш материаллари билан кўма-клашди. Маҳаллий таъбиркорлардан Комилжон Исоқов эса оромгоҳга 100 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари-ни тортиқ қилди.

Болаларнинг дам олишини намуна-ли ташкил қилишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бу ерда спорт жи-ҳозлари етишмайди. Бундан ташқари 2-3 та футбол тўпи 240 нафар болага камлик қияпти. Электр энергиясидаги узилтишлар озик-овқат маҳсулотла-рини сақлашда қийинчиликлар туғди-ряпти. Кўл чўзса, етгудек масофадан газ қувури ўтганига қарамай, оромгоҳ ҳозиргача галлаштирилмаган. Кўрпа-тўшак, ошхона жиҳозлари – идиш-то-воқларда ҳам етишмовчиликлар бор.

С.РЎЗМЕТОВ

Элга хизмат – олий ҳиммат

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Иштихон туманида қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги пайтда тумандаги мавжуд 56 та маҳалла-нинг 46 тасига газ қувурла-ри тортилган. Бошқача қилиб айтганда, бугун туман аҳолисининг 75 фоизи та-биий газдан фойдаланая-пти. Шунингдек, Иштихон шаҳри ва маҳаллалардаги хонадонларга галлаштирилиб, аҳоли «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда «Азамат» шир-кат ҳўжалигининг «Азамат» ва «Бойлота» маҳаллалари-га газ қувурлари тортилди, – дейди туман газ таъминот бўлими бошлиғи Нарзулла Муҳаммедов. – Бу муҳим ишни вилоят газ таъминот бошқармасига қарашли 2-ихтисослаштирилган кўма жамланма бунёдкорлари муваффақият билан адо этишди. Шу мақсадда 40 миллион сўм маблағ сарф-ланди.

Туманининг «Туркистон» жамоа ҳўжалигида қарийб 11 минг нафар аҳоли исти-қомат қилади. Бу ердаги мавжуд қишлоқлардан оли-титаси табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Иил охирига қадар яна учта қи-лоққа газ қувурлари тортиш режалаштирилмоқда. Бу яна

450 та хонадонда «зангори олов» ёнади деганидир. Туманда газ таъминотини яхшилаш бўйича бир қатор таъбирлар амалга оширилди. Чунончи, Иштихон ша-ҳрининг «Ўзбекистон» маҳал-ласида 700 метр масофада, газ таъминоти меъёрлашти-рилди. Айни пайтда эса Амир Темур номли жамоа ҳўжалигида юқори босимли газ қувурлари қурилиши олиб борилмақда.

Умуман олганда, жорий йилда туман миқёсида 50 километрлик газ қувурлари ётқизирилиши кўзда тутилган. Ҳозирги пайтгача эса иш-нинг қарийб олтимиз фоизи бажарилди: 29 километр ма-софага газ қувурлари торти-тилди. Бундан ташқари, газ-лаштирилган аҳоли хона-донларига ҳисоблагич уску-наларини ўрнатишга ҳам кат-та эътибор қаратилмоқда. Ҳар ой давомида 500 дона ана шундай ускуна ўрнати-ляпти. Назоратчилар 461 та газ тақсимлаш пунктини до-имий равишда кузатиб бо-риб, уларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашмоқда.

З.ЖЎРАЕВ, «Ишонч» мухбири

«МИСТЕР-ПРИНТ» - СИФАТЛИ ПАРДОЗ

Бугунги ҳаридорнинг диди бўлакча. У нафақат маҳсулот сифатига, балки кўринишига ҳам жид-дий эътибор қаратади.

Туманимизда рангли ёрликлар, қоғоз қутилар ва полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Мистер-Принт» масъулияти қекланган жамияти иш бошлади, дейди Зангиота туман товар ишлаб чиқарувчилар ва таъбиркорлар палатаси ходими З.Убайдулла-ев. – Мазкур корхона Германиядан келтирил-ган замонавий дастгоҳлар билан таъмин-ланди. Корхонада эллиқдан зиёд йи-гит-қиз меҳнат қилмоқда.

(Уш)

ҲОТАМТОЙЛИК

ри балансига қайтариш таъ-кидланган экан. Бу масалага ойдинлик киритишни туман ҳокими, Олий Маҳлиси депу-тати Э.Турдумовдан сўрагани-мизда, у қарор ҳам, фармо-йиш ҳам ўзгарган, барча ҳуқуқ ҳокимликларга берилган, деб жавоб берди. Ажаб, у ҳолда қишлоқ ва сув ҳўжалиги бош-қармаси нега ерга ағалик дав-восини қилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича туманларо фуқаролик суди бу саволга адолатли ёндашиш ўрнига умуман жавоб бермай қўя қо-лишини маъқул кўрди.

Шундан 0,40 гектар ер, – дейилади қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги маълумотмасида. – Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарорининг 28-банди-да кўрсатилган барча магист-рал каналлар сингари Шовот каналиди ҳам қирғоқ минта-қаси ички чегарасидан 24 метр белгиланган жойда вақ-тинчалик доимий иншоот, би-нолар қуриш, экинзорлар бар-по этиш тақиқланган.

чегарадан 24 метр оралиқда-ги масофа қолдирилган. Ле-кин, «Сардор-98» фирмасига сув сатҳидан бор-йўғи 4-5 метр масофа қолдирилиб, қолган ерлар экин оборотига киритиб юборилган.

2002 йилнинг 25 августиди туман ҳокимлиги «Сардор-98» фирмасидан тушган аризани ўрганиш ҳайъати томонидан тузилган далолатномада бу ер ҳақида қўйидаги маълумотни олиш мумкин. «Новосел» ширкати жойлашган ер май-дониди А.Пўлатов номли шир-кат ҳўжалигидаги Туркман қишлоғининг шимолий қисми-да Шовот каналининг бўйида жойлашган. Ушбу ерга 1988 йилга қадар СПМК ташкило-тига қарашли бетон заводи жойлашган бўлиб, жами 1,80 гектар ер майдонини туман ер балансида рўйхатга олинби келинган. Кейинчалик эса те-гишли ҳужжатлар расмийла-штирилмасдан, жамоа ҳўжали-ги ҳисобидига фойдаланмай-диган 2 гектар ер ҳам бетон заводида қўшиб олинби, жами 3,80 гектар ер бетон заводи томонидан фойдаланилган. Бетон заводи тутатилгач, ушбу заводнинг иншоот ва ус-қуналари «Новосел» ширкати

берилган. Бир неча йил ил-гари ушбу ернинг 0,55 гекта-ри ширкат мутасаддилари то-монидан фуқароларга уй-жой учун ажратилган. Ширкат ўз фаолияти давомида бу ерда ҳеч қандай иншоот қурмаган. Аксинча мавжуд бўлганлари-ни ҳам бўзиб, ҳудудни таш-ландиқ ҳолатга келтирган. Бу эса шу маҳаллада яшовчи фу-қароларнинг ҳақли эътирозла-рига сабаб бўлмоқда. Демак, 0,55 гектар ер қонунсиз тар-зда фуқароларга уй-жой учун бериб юборилган. Ҳўш, биз таъкидлаётган Ҳолмамат Бозоровнинг уйи ҳам шунинг ичидими? Еки бошқалардек уй-жой қуриб оломгани учун 3,25 гектар ичиди қолиб кет-ганими? Таассуфлар бўлсинки, далолатнома қарорда шир-кат мутасаддилари томонидан берилган ерларда айнан ким-лар уй-жой қуриб олгани, бу-нинг қонуний-ноқонунийлиги ҳақида лог-мим дейилмайди. Лекин ҳудди бошқалардек бир пайлар «хотамтой» ширкатдан ер олган Ҳолмаматнинг 0,25 гектари хатта тушди. Туман прокурори, ақлия масоҳатчи-си С.Самадовнинг Навоий фу-қаролик ишлари бўйича су-қудига берган даъво аризасида


Хат йўлга чорлади

кўрсатилганидек, «туман ҳоким-нинг 17.10.2002 йилдаги К-870-сонли қарорига асосан А.Пўлатов номли ширкат ҳўжалиги ҳудудидан «Сардор-98» ҳусусий фирмасига ёрдам-чи ҳўжалик юритиш учун 2,35 гектар ер майдони берилган-лиги, ушбу қарор асосида ту-ринчи ер ресурслари хизмати ходимлари Н.Ойдинов ва Ш.Назаровлар бориб ўлчаб берганликларини, лекин ушбу ер майдонидан 0,25 гектари-ни А.Пўлатов номли ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаро Ҳолмамат Бозоров ўзбошим-чалик билан эгаллаб фойда-ланиб келаётганилиги маълум бўлди.

Ҳ.Бозоров ағалик қилаёт-ган 0,25 гектар ер, ҳозир «Сардор-98» тасаруфиди бўлган ернинг маълум бир қисми канал чегарасидан белгиланган жой бўлиб чиқади. Агар вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бош-қармаси бошлигининг би-ринчи ўринбосари А.Баки-ев ҳамда бошқарма мута-хассислари томонидан бе-рилган маълумотлар қонунга, ҳақиқатга асо-сан бўлса, туман ҳоким-и қарорига ҳам ҳуқуқий баҳо берилиши заруратга айланади.

Чунки бугунги кичкина хатомиз эртага қимматга тушишини унуттишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Туман марказини «За-рафшон» ҳўжалиги билан боғловчи йўлни бугун қай-та таъмирлашда вақтида ба-заси аҳоли пунктларида белгиланган чегара масо-фа қолдирилмагани айрим ховли жойларнинг бузили-шига олиб келган. Топог-рафик аҳамиятга эга бўлган Кунжактепаннинг бузилиб, ўзлаштириб юбо-рилгани бунинг исботи эмасми?

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири



Газетхон илтимосига кўра

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

5-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Респуб-ликисининг ваколатлари

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидаги-лар Қорақалпоғистон Республикаси их-тиёрига берилди:

жамоат тартибини сақлаш масалала-ри бўйича, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солилмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масала-лари бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланган; ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг ик-кинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка са-баб бўладиган қоидаларни белгилаш.

6-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тош-кент шаҳар Кенгашилари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ва-колатларга эгадирлар:

жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу ма-салалар ушбу Кодекс билан тартибга солилмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни буз-ганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг ик-кинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белги-лаш.

7-модда. Маъмурий ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жа-моат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда баътарф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Респуб-лики Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирил-ган таъбирлар ишлаб чиқадилар ва улар-ни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органла-ри Ўзбекистон Республикаси Конститу-циясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Респуб-лики Конституциясига ҳам мувофиқ қонун-ийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хав-фсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудуд-ларида барча давлат органлари ва жа-моат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бо-расидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, во-яга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъ-мурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳ-барлик қиладилар.

8-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўланиш вақтида қонунийликни таъминлаш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатлариди белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига қарши тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.



«ГЎЗАЛ ХАЁЛ, КЕЛ, БОШИМДА ГУЛ ЎЙНАТ»

ёхуд Абдулхамид Чўлпонни яхши биламизми?

Халқчил мисралар Чўлпон шеърининг дастлабки йилларидаёқ эл қалбидан чуқур жой олган эди. Унинг қайси бир шеърини сатрларини ўқиманг, худди юрагингизга ёниб турган чўг тутгандай, куйдириб ёндиради. Байлардаги хар бир сўз гўё марварид доналаридан терилган гул шодаларини эслатади. Бироқ бу шеърларнинг таъмагидан шoirнинг изтироб ва мунгли нидолари эшитилмади. Негаки, Чўлпон шoir бўлиб бош кўтариб чиққан кезларда Туркистон аҳолиси зулм ва зўрлик азобидан инграётган эди.

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган, йиқилмаган, таланмаган ўт йўқми? Бир кўз йўқми, қоли ёши томмаган, Бутун кўнгул умидсизми, синикми?

Қилчларнинг тилларида қизил қон, Булоқларнинг суви янглиг тошдими? Яланг бола, яланг гўдак, маъсум жон, Найзаларнинг бошларидан ошдими? Кенг яловга ўтми кетди, ёқдими? «Маданият» истагига қондими?

Бу ўтми мисраларнинг тарихи ва тафсилоти бевосита ўзигини ҳимоя қилган кишиларга «босмачи» таъғисини босиб, вайрон қилинаётган, ўлдирилаётган халқнинг оҳу нола-си акс эттирилган.

Маълумки, 1917 йил 11 декабрда Туркистонда «Кўкун Мухторияти» деб аталган янги бир давлат ташкил топди. Бу ҳукуматнинг обрў-этибори тез ортиб борди. Лекин у узок яшамади. 1918 йил 7 феврал кўни большевиклардан тузилган сўл эсерлар армияси 10 миңдан ортик аҳолини қириб ташлади. Эртасига Қурултой чақирилиб, унда ҳукумат аъзолари қамолка олинди. «Улуг Туркистон» газети бу кўни «Кўкун ўликлар шаҳри» деб атади. Табиийки, Чўлпон бундан қаттиқ аза ва гайғуга тушди. Реал ҳаёт билан ўй-хаёллар ўртасидаги тубсиз жарлик Чўлпон қалбини тобора ларзага солди. Энди у хаёлий эркинлик туйғуларини аллаб-бў, ундан маълум юпюпчиқлар, овуноқлар излашга мажбур эди:

«Хаёл, хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир, Ҳақиқатнинг кўзларидан кўркаман, Ҳаёлдаги қолдуларким, амалдир, Оловини алар учун ёқман, Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат, Менин истақ-тилагимни эркатла».

Ҳўш, бу ўринда шoir қандай ва қайси «қаҳқатнинг кўзлари»дан кўраётми? Аввало шуни айтиш жоизки, Қўкунда содир этилган ўша машўм қирғин ба-рот кўнларига, зиёли-орифлар қатлами Шўролар ваъда этган яхши ҳаётга ишонилган эдилар. Мухорабада маҳкум қилинган ўлка эндиликда Туркистон мангу қуллик исқанжасига тушганлигини кўрсатди. Шундан кейингина халқнинг қаттагина қисми ўзларини босқинчилар асоратидан ҳимоя қилиш иста-гида тоғу тошлардан туриб ку-раш олиб боришга жазм этди.

Бироқ энди бу ўлкада ёвузликни йўқотадиган, халқни озод-ликка элтadиган забардаст бир кўл йўқ эди. Қизил аскарлар туну кун аҳолини ўлдирар, мол-мулкларини тортиб олар, яшаш манзилларини вайрон этардилар. Ана шундай муҳиш он-ларда Чўлпон нима ҳам қила оларди? Орау ва хаёл Чўлпон илҳомининг эгизаклари бўлди. Сирдош хаёлларига эрк бериб, тилак-истакларидан ором олди. Баъзан бу хаёл шoirнинг «но-зик қили»га тегиб қолганлиги туйғули унинг «жинни юраги»ни ховлиқтириб, миңг қават кўклардан ҳам юқори учиб сайр эттирди. Шундай ҳолатда у ана шу тилакларини эркатлаб, чу-қур хаёл тизгинини бемалол бўшатиб қўяди. Баъзан эса бу хаёл энг ширин жойга етган-да, ундан нарига ўтмасдан тўхтаб қолади. Шундай пайт-ларда шoirда яна қийналиш, зерокиш бошланади. Баъзан эса шoir, хаёлининг ўткир кўзлари билан эркинликка чи-қишнинг бир гўзал ҳолатини кўриб тургандай бўлади. Бироқ бу гўзал ҳолатни борлиқнинг шoirона сўзлари билан англа-тиб беролмайди. Шундай хаёл суришдан хафсаласи пир бўлган кезларда ўз-ўзига шун-дай дейди:

«Шoirлик менда бир сояни, дейман, Ҳар бир тушунчаним ёза олмагач, Рассомдек хаёлга чиқолмагач, Ҳақиқ борлигимга кўп афсус ойман... Ҳаёлим юксакдан тушиб кетадир, Шoirлик чанг бўлиб учиб кетадир».

Шундай ширин истақ ва ха-ёлларига уни оз бўлса-да, азобдан халос этиб, янги-янги курашга чорлаб туради. «Ўй-дан кўнгулсиз, қайфиятсиз чиққан эдим, кўнгулми ёл-ғизлик, ёлғиз туйғуларни чул-габ олган эди. Яхшиямки, хаёл келди ва у мени қийинликдан, қайғулардан қутқазди» деб ёз-ган эди шoir. «Бутун таним, жоним - хаёл уяси» деб та-ништирган шoir бир гал хаёл сураверилган чарчаб, бироз мизғиб олиш истагида дала-нинг бир четда ёнбошлади. Шунда уни уч-тўрт совуқ то-чи ташлаган булут ўйғотиб юборди. Умид ва истақ йўли-да хаёлга ботган Чўлпон ўзига ўшаб ҳеч қардан ором то-полмай, осмон фалакда сар-гардон кезган булутга ҳамдар-дик билдиради:

Улган йўлчини нимага ўйғотдинг, На учун кўнгулдан садафдек ёш тўқдинг? Бевафо бир тентак қўлингдан чиққидми? Ё гўзал масканинг илонга ин бўлди? Ё эркин кўнгулнинг тириклик сиққидми? Ё севган гўдагинг бўрига ем бўлди?

Ҳар ҳолда мен каби бир саёқ телбасан, Юзингга ҳеч қайда бир эшик очилмас, Сен қочган йўл билан одатда қочилмас, У йўл ҳам бошқадек маҳв этар, билгайсан! Кўзимда сен каби уйку йўқ, ай булут? Истаيمان ўлимдек умрли бир сукут!

Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди (Давами бор)



БИР ҚИШЛОҚ САНЪАТКОРЛАРИ



ГОЛИБЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Шеробод туман марказий шифохонаси ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тармоқ спартакиадаси Обод маҳалла йили ва мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йилли-гига бағишланди.

Ҳаяжонли спорт курашлари-га бой бўлган мусобақда катталар поликлиникаси, тез тиббий ёрдам ва соғломлаш-тириш бўливлари ходимлари бор маҳоратларини намойиш этишди. Шухрат бўйича Асад Йўлдошев, Мамашариф Су-юндиков ва Сафар Турсунов, голиб бўлдилар. Енгил атле-тика беллашувларида ҳамши-ралар Шарофат Сатторов, Тамара Хужанова ва Ибодат Сафаровлар зафар қучди-лар. Футбол ўйинларида эса тез тиббий ёрдам болалар бўлими жамоаси шоҳжўрага кўтарилди.

Спартакиада голибларини муносиб тақдирлаш мақсади-да туман соғлиқни сақлаш бўлими уларни эллик фоиз қўшимча иш ҳақи билан му-кофотлади. Бундан ташқари, голиб ва фаол иштирок этган спортчиларга қимматбаҳо эс-далик совғалари топширилди.

Ш. РАҲМОНОВА, Шеробод туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси

Фориш тумани Жиззах вилоятининг энг чекка то-ли худудида жойлашган. Туман аҳолиси 72 миңг ки-шини ташкил этади. Худуд-да 15 та маданият муас-сасалари, 30 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

65 та бадий ҳаваскор-лик тўғрақлари ишлаб ту-рибди. Унга 10087 нафар киши жалб қилинган. Шун-дан 41 таси болалар тўғ-рақлари ҳисобланади.

Туманда фаолият кўрса-таётган «Чорвадор» ашула ва рақс халқ дастаси ҳамда «Богдон гуллари» халқ этнографик фольклор дастасидан эл мамнун. Зо-тан ҳаваскорлик жамоа-лари вилоят ва республика кўрик-танловларида ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Масалан, «Чорвадор» ашула ва рақс халқ дастаси жамоаси ви-лоятда ўтказилган «Маҳал-

ла санъат булоғи» кўрик-танловида бош совринни кўлга киритди. Дастанинг Анвар Келдиев, Наргиза Худойназарова, Ваҳоб Топшўлатов каби ишти-роқчиларининг номлари нафақат туманда, балки вилоят ва республика санъат ихлосмандлари орасида тилга туша бош-лади.

- Туман ҳокимлиги ўтган йили 500 миңг сўмлик мусика асбоб-ан-жомлари, бу йил эса 450 миңг сўмлик кийим-кечак сотиб олиб берди, - дей-ди Маданият ишлари бўлим мудири М.Норқо-зоков. - Йилдан йилга янги-янги жамоалар ту-зилиб, янги номлар кашф этилаётти. Масалан, «Богдон гуллари», «Кон қизлари», «Жигда попук», «Ёшлар ва севинч», «Омад» гуруҳлари ташкил қилинди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири



Касаба уюшма тадбири

Спорт инсонни нафақат жисмоний, балки маъ-навий қамолотга эришувда ҳам хал қилувчи омил ҳисобланади. Зеро, у иродани тоблайди, кишини аниқ мақсад сари йўналтириб, қийинчи-ликларни сабот билан енгиб ўтишга ўргатади. Шу маънода, сўнгги йилларда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида спорт тадбирлари-нинг кўплаб ташкил этилаётганлиги, уларда тиб-биётчиларнинг катта иштиёқ билан қатнашаёт-ганлиги қувонарли ҳолдир.

СПАРТАКИАДА ҚАТНАШЧИЛАРИ Сони йилдан-йилга ортиб бормоқда

Яқинда Бухоро шаҳрида-ги замонавий спорт мажмуида бўлиб ўтган ви-лоят соғлиқни сақлаш хо-ларида касаба уюшма кўмитасининг Обод маҳал-ла йилга бағишланган спартакиада беллашувлари ҳам ушбу фирмишни тўла тасдиқлайди. Мусобақда вилоят тиббиёт-профилак-тика муассасаларининг 600 нафардан ортик спортга иштиёқманд ходимлари иш-тирок этди. Улар мусобақа дастуридан ўрин олган во-лейбол, стритбол, стол тен-ниси, шохмат, шашка ва ен-гил атлетика бўйича бел-лашдилар.

Бу йилги спартакиада қатнашчиларимиз сони се-

зиларли даражада орти. Би-нобарин, аввалги йиллари 350-400 нафар киши иштирок этган эди. Боз устига, жой-ларда ходимларимиз ишти-роқиди кўплаб хотира турни-лари, туманлараро мусобақа-лар уюштирилди. Масалан, Шофиркон, Жондор, Гижду-нов, Вобкент, Қорақўл туман-ларида ана шундай мусоба-қалар бўлиб ўтди. Бу ва, қола-верса, вилоят спартакиадаси беллашувларининг гоёт қизи-қарли ўтганлиги ходимлари-миз ўртасида жисмоний тар-бия ва спортга бўлган қизи-қилишнинг тобора ортиб бора-ётганлигидан дарак беради.

Ҳақиқатдан ҳам мусобақа кескин тур олди. Айниқса, ви-лоят клиник шифохонаси, Жондор, Қорақўл, Ромитан ва Бухоро туманлари мар-казий касалхоналари вакил-ларининг фаол иштироки ана шу кескинлики таъмин-лади. Хусусан, А.Вохидов, Х.Ҳаққулова (стол теннис), Р.Умаров, Ш.Бердиева (шох-мат), Д.Шодмонов, Д.Саидо-ва (енгил атлетика), Я.Соби-ров, Н.Фафурова (шашка)лар юксак маҳоратларини на-мойиш этиб, голибликни кўлга киритишди. Шунинг-дек, волейбол бўйича Шо-фиркон тумани марказий шифохонаси қизлар жамоа-сининг, стритбол бўйича эса ромитанлик спортчиларнинг кўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида ви-лоят клиник касалхонаси жа-моаси биринчи ўринни эга-лади. Кейинги ўринлар эса Жондор ва Қорақўл туман-лари марказий шифохона-рига насиб этди. Фолиб ва совриндорларга вилоят тар-моқ ходимлари касаба уюш-ма кўмитаси, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жаимияти фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғала-ри топширилди.

Ш. СУЛТОНОВ, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси

Диққат, янгилик

Кюкишунқайкан

Қашқадарё вилоят ёшлари қаратнинг янги бир тури - кю-кишунқайкан билан шугулланиш имкони-ютига эга бўлишди. У шарқона яққа кураш турларидан жуда яқин масофада жанг олиб борилиши би-лан ажралиб туради.

ЗАРҒАЛДОҚ РАНГЛИ БЕЛБОҒИ СОҲИБЛАРИ

Қарши шаҳри ва Косон туманларида ташкил этилган «НУР-ҲАС» клублари-да ушбу тур машғу-лотларига юзлаб ёш-лар қатнашмоқда.

Яқинда «Насаф» марказий уйингоҳи-нинг теннис кортида кюкишунқайкан бўйи-ча Қашқадарё ва На-воий вилоят спорт-чиларининг кўрғазма-ли чиқишлари бўлиб ўтди. Мусобақада голибликка эришган курашчилар зарғал-доқ рангли белбоғ со-ҳиблари бўлишди.

Кўрғазмали чиқиш-ларда иштирок этган р е с п у б л и к а «НУР-ҲАС» маркази раҳбари Х.Назаров, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э.Ражабов, вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Эгамовлар янги спорт турини ривож-лантириш иштиқолла-ри ҳақида гапирдилар, ёшларга мусобақа-ларда омад тилади-лар.

И. ИСОМИДИНОВ

ЎЗБЕК КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон ёш олимлар Миллий жами-яти томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай изланишлар орасида муқаддас жойлар ва зияратгоҳ-лар ижтимоий-маданий аҳамиятининг Марказий Осиёда бугунги кунда тутган ўрни бўйича амалга оширилаётган этно-социологик изланишлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Шу йўналиш жараёнида «Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти» деб номланган йирик моно-графия ҳам юзга келди. Жамият раиси, та-ниқли тарихчи Олим Элёр Каримовнинг са-марали изланиши маҳсули бўлган бу тадқи-қот «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилди. Ислон олами тарихида салмоқли ўрин тутган аллома Хўжа Аҳрор таваллуд-ининг 600 йиллиги олдидан нашр қилинган мазкур китобнинг тақдими Вашингтонда-ги Евросиё, Россия ва Шарқий Европа бўйича миллий ресурс марказида бўлиб ўтди.

Ушбу китобни Америкада инглиз тилида чоп этиш ҳам кўзда тутилди.

А.АЛИЕВ

Тарихий хотирасиз келажак йўқ МУЗЕЙ ЖОЗИБАСИ АНЖУМАН ТАҲЛИЛИДА

«Маънавият асослари» деб номланган дар-сини баъзи машғулотларини музейларда ўтқа-зиш тақозо этилади. Биз ҳам бунни амалиётда қўлладик. Амалий машғулотлар аввал Темирүй-лар тарихи давлат музейида, кейин эса Алишер Навоий номидаги республика адабиёт музейи-да бўлиб ўтди.

Биринчи дарс машғуло-тида бир талаба «Мен бу музейда учинчи марта бўли-шим», - деди. Бу лўқмага жавобан домламит шундай савол бердилар: «У ҳолда айтинг-чи, музейнинг би-ринчи қаватида жойлашган маҳобатли деворий сурат-да қандай тарихий мазмун муқассамлашган?» Талаба лом-мим дея олмади.

Домламит жимликка ҳу-лоса ясаб, шундай дедилар: «Кўринишича, сиз аввалла-ри музейга фақат томоша учун келиб кетгансиз. Бу гал эса музейдаги буюқ

миллий маънавиятни англаш учун, уни ўз қалбингиз ва ақлингиз имкони этганича кашф қилишга уриниб кўра-сиз».

Чиндан ҳам, ўша кўни биз Темирүйлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темирнинг буюқ ва муस्ताқил давлатчилигини тўзиш йўларида бетакрор ва иб-ратли ҳаётини ҳамда саркар-далик фаолиятини мафтун-кор деворий сурат мазмуни-дан англаш иктидорини ўзи-мизда кашф этдик.

Пича ҳижолатли бўлса-да, тан олишимиз керакки, бу

дарсгача Алишер Навоий му-зейида бўлганлар бармоқ би-лан санарли экан. Биз китоб-ларда севиб ўқиганимиз улғу-сиймо ижодининг оламшумул мазмунини деворий сурат-ларда, музей ашёларида кўриб турардик. Мана, буюқ ўзбек мусаввири, профессор Чингиз Аҳмаров чизган ма-ҳобатли сурат - «Навоийнинг лирика зали». Домламитнинг тушунтиришича, бу улғувар деворий сурат «Хазойин ул-маноий» (Маънолар хазина-си) асарининг маънавий ва эстетик мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир ярим-икки дил давомида яратилган. Ҳаммаимиз бу мафтункор асарга маҳлиё бўлиб қолдик. Рухимиздаги эстетик завқ-нинг кучи шу қадар эдики, амалий дарс машғулотининг тугаб қолганини кўпчилик иста-маётгандай эди.

Оқибат кўзланган мудда-

ога етиб келдик: 3-4 ойлик мунтазам ўқитиш ва ўқиш натижасида домламит про-фессор Маҳмуджон Нурма-товнинг илмий раҳбарлиги-да «Маънавият, тасаввур ва мафкура» мавзусида талаба-ларнинг анъанавий илмий-амалий анжумани тайёрланди. Мазкур анжуманда УЗМУ Ўзбек филологияси факул-тети II курс талабаларидан Шаҳзода Қосимова, «Прези-дент Ислоом Каримовнинг Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йилли-га бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи-да маънавият ва диний этиқоқ», Шаҳноза Ҳамидо-ва: «Аҳмад Яссавий ижоди-да маънавият ва тасаввуф», Азаматжон Раҳимов: «На-шбандий тарихида маъ-навият ва тасаввуфнинг ёртилиши», Шаҳноза Эбра-ева: «Мирзо Абдулқодир Бе-

дил ижодида маънавият ва тасаввуф», (Атоқли файла-суф Иброҳим Мўминовнинг «Мирзо Бедилнинг фалса-вий қарашлари» номли ри-соласи асосида), Алишер Равшанов: «Машраб ижоди-да маънавият ва тасаввуф», Шухрат Хайитов: «Ўзбекис-тон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижодида маъна-вият ва маънавий тарбия», Нодира Амримова: «Ўзбеки-стон халқ ёзувчиси Пирим-кул Қодировнинг «Қалб кўзлари» номли китобида маънавият ва миллий тар-бия» деган мавзуларда маърузалар қилдилар.

Анжуманда тинланган маърузалар доирасида дўсто-на баҳслар, беллашувлар, турлича нуктаи назарлар ва мунозараларга кенг ўрин берилди.

Райхона ҲАҚНАЗАРОВА

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Махсуслиги: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6